ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

ОЛАМ АҲЛИ БИЛИНГИЗКИМ, ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИҒ

Нодира Холиқова
Тошкен вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
nodira.79@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Навоий халқлар дўстлиги ғоясининг улуғ куйчисидир. У халқлар дўстлиги ғоясини “Фарҳод ва Ширин” достонида марказий масалалардан бири қилиб қўяди. Бу ғоя айниқса, достоннинг турли миллат вакилларига тааллуқли образларида ёрқин ифодаланади. “Хамса” таркибидаги ҳар бир достоннинг асосий ғояси инсон камолотидир. Шоир жамият ҳаётини синчковлик билан таҳлил қилар экан, инсоният тарихига назар ташлайди. Шу кузатишлар асносида ниятнинг эзгулиги, комиллик сари интилиш инсонни юксалтиришига ишора қилади.

Калит сўзлар: комиллик, Ҳақ, ҳақиқат, Фарҳод, Ширин, Искандар, Ойинаи Жаҳоннамо, Чин, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон, Жомий, халқлар дўстлиги.

Nodira Kholikova
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
nodira.79@inbox.ru

ABSTRACT

Navoi is a great singer of the idea of friendship between peoples. He makes the idea of friendship between peoples one of the central ones in the epic "Farhod and Shirin". This idea is especially clearly expressed in the images of the epic belonging to different nationalities. The main idea of each epic in "Hamsa" is human perfection. The poet looks at the history of mankind, carefully analyzing the life of society. In the course of these observations, he indicates that a good intention, striving for perfection elevates a person.

Keywords: perfection, God, truth, Farhod, Shirin, Alexander, Mirror of the World, China, India, Greece, Iran, Jami, friendship of people.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

КИРИШ

Инсониятнинг бахтли яшаши йўлидаги орзу ва мақсадларини куйлаган асарлар борки, улар мангу яшайди ва унинг қаҳрамонлари ҳам ўлмас бўлиб қолади. Алишер Навоийнинг туркий халқлар маънавий хазинасига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Дунёда Алишер Навоий каби асарлари кенг тарқалган, жаҳоннинг деярли ҳар бир чеккасида китобларининг нусхалари сақланаётган бошқа бир ижодкорни учратиш қийин. Асарларнинг шаклан гўзал ва баркамол, мазмунан пурҳикмат ва сержило экани, ҳар бир ташбиҳ ва образ заминида катта фалсафий ҳаётий тушунча мавжудлиги, ҳар бир мисра-байт эса неча маъни ифодалай олгани - булар барчаси Навоий асарлари умрбоқийлиги нишонасидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўтган асрнинг 20-30 йилларидан бошлаб юртимизда Алишер Навоий ижодини чинакам илмий мезонлар асосида ўрганишга киришилди. Бу соҳадаги дастлабки қадам сифатида Абдурауф Фитратнинг мақолаларини кўрсатиш мумкин, кейинчалик С.Айний, В.Абдуллаев, Е.Э.Бертельс, Ҳ.Олимжон, Х.Зариф, П.Шамсиев, Н.Маллаев, И.Султон, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, И.Ҳаққул, Н.Комилов, Ш.Сирожиддинов, Д.Юсупова сингари адабиётшунослар навоийшунослик тараққиётига алоҳида ҳисса қўшдилар [1].

МУҲОКАМА

Ҳазрат Алишер Навоий асарлари ва қаҳрамонларининг юз йиллардан бери яшаб келаётганининг сири Ҳазрати инсон бўлиб яратилмиш зотнинг асрлар ўтса-да, у даврда ҳам, ҳозир ва кейин ҳам маслагию матлаби муштарак – инсонийлик, комиллик ва ҳақиқат эканидадир. Навоий асарларида акс этган комил инсон бу диний ва дунёвий илми мукаммал бўлган, Ҳақни таниган шахсдир. Булар кимлар? Булар соф муҳаббатни ўзида акс эттирган, маънавий такомилга эришган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, одил подшоҳ Искандар ва вафоли ёр Дилором, карамию саховати чексиз Хотами Тойлардир. Бири чин, бири арман, бири араб, бири юнон, бири ҳинд, яна бири форс миллатига мансуб бу қаҳрамонларни бирлаштириб турган восита мақсаднинг бирлиги, чин инсонийликдир. Инсониятнинг даҳо шоири, мутафаккир Алишер Навоий асарларида тараннум этилган маънавий тамойиллар, эзгу ғоялар барча халқлар ва барча даврлар учун бирдай аҳамиятлидир.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

Аллақачонлар бизнинг онгу шууримизга миллий қаҳрамон, идеал образ, баркамол шахс қиёфаси бўлиб ўрнашган Фарҳод, Ширин, Искандар, шоҳ Нўъмон, Меҳр, Суҳайллар эришган мавқеи, ютуқлари, инсонийлик мартабалари илм-маърифат билан чамбарчас боғлиқдир. Фарҳоднинг барча диний-дунёвий фанларни ўзлаштириб бўлгач, ҳунар ўрганишга бел боғлаши ва Қорун, Боний, Моний каби даврининг етук усталаридан ҳунар сирларини қунт билан эгаллаши, айниқса, уни Ширин яшаётган мамлакатда одамларнинг оғирини енгил қилиш учун тоғ қазиб, сув чиқаришда қўллагани бизга ибратдир.

Навоийнинг қаҳрамонлари турли халқларга мансуб. Чин ўлкасининг фарзанди Фарҳод, арман гўзали Ширинга кўнгил беради. Араб элида оғизга тушган афсонавий севги қиссасига Навоий ўзбек тилида абадий ҳаёт бағишлайди. Дилором Чин элидан, Жўна ва Масъуд Ҳиндистондан, Суҳайл Ямандан, Фаррух Сарандиб (Шри Ланка)дан.

Навоий халқлар дўстлиги ғоясининг улуғ куйчисидир. У халқлар дўстлиги ғоясини “Фарҳод ва Ширин” достонида марказий масалалардан бири қилиб қўяди. Бу ғоя айниқса, достоннинг турли миллат вакилларига тааллуқли уч ижобий образ – Фарҳод, Ширин ва Шопур образларида ёрқин ифодаланади. Уларнинг фаолияти, дунёқараши, орзу-интилиши бир-бири билан чамбарчас боғланган. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари билан Кавказ, Хитой халқлари ва бошқа халқлар ўртасида жуда қадим замонлардан бошлаб дўстона муносабатлар, иқтисодий-маданий алоқалар пайдо бўлган. Навоий асарларидаги халқлар дўстлиги мана шу реал замин асосида туғилган ва уни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга қаратилган эди. Шу билан бирга, Фарҳод, Ширин ва Шопур каби образлар, достонда қайси бир ўлка ёки халқнинг фарзанди сифатида тасвирланишидан қатъи назар, улар инсонийликнинг энг яхши сифат ва фазилатларини тажассум этган кишилар бўлиб, барча халқларга манзурдир.

Навоий қадимий Юнон маданиятини, араб адабиётини, Ҳиндистонни жуда яхши билган. Хусусан, Юнон мамлакатини қадимий маданиятнинг бешиги деб мадҳ этган. Унинг асарларида Клавдий Птолемей, яъни Батлимус, Арасту, Суқрот, Афлотун каби алломалар, Искандар каби подшоҳ образлари катта ўринни эгаллайди.

Навоий Хамсасининг юзага келишида Хитой маданияти, тили, тарихининг ҳам таъсири борлиги сезилади. Масалан, “Сабъаи сайёр” достонидла Эрон шоҳи Баҳром сайёҳ Монининг қўлида Хитойлик Дилоромнинг суратини кўриб, уни яхши кўриб қолади ва уни Хитойнинг бир

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

йиллик хирожи ҳисобига сотиб олади. Хитой тарихига оид манбаларда чиндан ҳам Хитойда 7, 8, 9 асрларда тирик одамларни товар сифатида сотиш ва сотиб олиш ривожланган бўлгани маълум бўлади [2]. Яъни Навоийнинг ёзганлари тарихий асосга эга.

Алишер Навойи халқлар дўстлигини фақатгини ўз асраларида куйлаш билан чекланмаган. У ўз даврининг буюк форс шоири Абдураҳмон Жомий билан яқин дўстона алоқада, устоз-шогирд мақомида бўлган. Навоий ўз “Хамса”сини айни шу устозининг матлаби билан ёзган дейилади.

Алишер Навоийнинг серқирра ижодида халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шоир жаҳон халқларига мурожаат этиб, уларни бир-бирига кўмакдош, елкадош, ҳамкор ва дўст бўлишга чақиради:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Алишер Навоий асарларида кўзга яққол ташланиб, барчага ибрат бўлгулик яна бир хусусият борки, у ҳам бўлса бағрикенглик ва олижанобликнинг улуғланишидир. Чунончи улуғ шоир инсониятни жинси, ирқи, миллати ёки диний эътиқодига қараб эмас, балки уларнинг хислатларига қараб баҳолаш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Шунга биноан, Навоий асарларида ҳар хил ирқ ва эътиқодга мансуб кишилар куйланган, у ўз қаҳрамонларини турли ўлка ва халқларнинг фарзандлари сифатида тасвирлайди:

Кўнгулни олса малоҳат била тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину ё армани ва ё ҳинду.
Ҳусн чун жилва қилур, оқу қорада йўқ фарқ,
Кишига келса бало-хоҳи Хито, хоҳи Ҳабаш.
Мен тилаб ҳусн, вале шоҳ тилаб аслу насаб
Менга лўли била ҳинду, анга қўнғироту қиёт…

Алишер Навоий турли халқ ва миллат вакилларини самимият билан севади, уларни ҳурмат қилади. Унинг қайси бир асарини олманг, турли халқ вакиллари образига дуч келасиз, унда уларнинг дўстлик, биродарлик ғоялари жўшқин ифода этилганлигини кўрасиз. Бу каби оташин мисраларда у халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи, тенгма-тенг қўювчи белгиларга эътиборни жалб этади ҳамда инсонни ирқи, элати, эътиқодига қараб, унга турлича муносабатда бўлиш каби ёмон иллатларга қарши курашади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

Бугун дунёда баъзи халқлар, давлатлар ва миллатлар орасида бўлаётган турли можаролар, биродаркушлик урушларининг олдини олиш, халқларни дўстликка чорлаш ғояларини шоир олдиндан башорат қилгандек туюлади. Миллати, элатидан қатъи назар, барча инсон дунёда эркин яшаши керак деган ғоя шоир ижодининг асосини ташкил этади.

Адолатли жамият, адолатли ҳукмдор ғояси азалдан миллатлар орзуси бўлиб келган. Инсониятнинг буюк вакиллари Платон, Аристотель, Суқрот, Эразм Роттердамский, Абу Наср Форобий, Томас Мор, Вольтер, Никколо Маккиавелли, Томмазо Кампанелла ўз шоҳ асарларини айнан шу ғояга бағишлаганлар.

Шоҳ Искандарнинг фаолиятини қайта кўз олдимизга келтирайлик. Подшоҳ отасидан унга тахт билан катта бойлик, мол-мулк, улкан мамлакат мерос қолди. Искандар уни ақл билан истифода қилиш пайида бўлди. Тахтга ўтиргач, атрофига оз эмас, кўп эмас, тўрт юз донишмандни йиғди, уларнинг насиҳатига қулоқ тутиб давлат бошқарувини янгилади. Уларнинг маслаҳатига биноан мамлакатнинг мудофаа тизимини кучайтиришга уринди. Душманлар давлат чегараларига яқинлашаётгани ҳақида хабар берувчи машҳур Искандар кўзгуси – Ойинаи Жаҳоннамони яратишни олимларга фармон берди. Денгиз ости сирларини билиш пайида бўлди. Тафаккур нури ила Искандар деворини қуриб, жаҳолатнинг, ёвузликнинг йўлини тўсди. Ўлкани маърифат билан бошқаргани учун ҳам милоддан олдин яшаб ўтганига қарамай, 3 минг йилдан ортиқ вақт ўтибдики, унинг номи тилдан-тилга ўтиб, афсонавий тарзда яшаб келмоқда.

Адолатли подшо образини куйлаган Алишер Навоий ўз достонларида маишату нафс амрига берилган подшоҳларни ҳам тасвирлаб беради. Булардан бири Баҳромшоҳдир. Баҳромшоҳнинг бутун лашкари билан ўзи тўккан қонлар гирдобида ер қаърига кириб кетишини тасвирлайди ва бундай ишлардан четлашишга ундайди. Дарҳақиқат, инсоннинг бахти унинг ватани билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Ҳозирги даврда инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар ечими аввалambор инсоннинг маънавияти, маърифати ва соғлом фикри билан бевосита боғлиқ. XXI аср инсоният ва тамаддун олдида турган барча муаммоларни тафаккур кучи, ўзаро ҳурмат ва келишув йўли билан ҳал қилиниши лозим. Бу йўл барча халқлар ва миллатлар ўртасидаги баҳамжиҳатлик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган, шунингдек, умуминсоний ҳавфсизликка таҳдид

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

солаётган кучларни бартараф этиш, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатларини таъминлайдиган истиқбол йўлидир.

Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг инсоният бахт-саодати йўлида яратган илмий-маънавий меросининг бугунги кун учун қанчалик аҳамиятли эканлигига эътибор қаратар эканмиз, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш, умумбашарий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, ҳар томонлама уйғун ривожланган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган шахсларни камол топтиришда инсоният тараққиётининг муҳим омили эканини яхши тасаввур этамиз.

Дарҳақиқат, ўтмишдаги буюк зафарлар ва дунёни лол қолдирган марраларга орзу-ният қилиш ёхуд ҳавасланиш билангина эришиб бўлмайди. Булар астойдил меҳнат, интизом билан ўқиш, ғайрат-шижоат билан қўлга киритилишини ўзимизга ва ёш авлод онгига қайта-қайта сингдириш лозим. Ва яна дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, билим олишдаги мунтазамлик ва ўқилганларни қайта мулоҳаза қилиш, мустақил фикрлаш ва янгиликка интилиш туйғуси барча ютуқларга эшик очади.

Инсониятнинг зулматдан қутулмоғи, бахтга, саодатга етишмоғининг кафолати, шаксиз, маърифатда эканлигини минг йиллар олдин айтган эди. Инчунин, улуғ шоиримиз, миллатимиз фахри Алишер Навоий асарларини, улар яратган адабий қаҳрамонлар фаолияти синчиклаб кузатилса, билим олмоққа даъват ғояси энг кўп тилга олингани равшан бўлади.

Ўтган асрда яшаб ўтган шоир Собир Абдулланинг мана бу сатрларини ҳар қандай ўқувчининг диққатини тортади, деб ўйлаймиз.

Билмак Навоийни – бу зўр маърифат нишони,
Билмак Навоийни – бу юксакка элтар они.
Билмак Навоийни – бу ўз нафъи, йўқ зиёни,
Билмак Навоийни – бу ойнаи жаҳони.

Устоз Иброҳим Ҳаққул ёзганларидек, “Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «ҳужжати»дир. Аммо Навоий ижодиётининг моҳият ва руҳоният оламига кириш, гўзаллик сир-асрорини баҳоли қудрат англаш осон эмас.

Навоийни англаш «мақоми»га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга ғоятда секинлик билан, ниҳоятда кўп мутолаа ва мушоҳада ила, маълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демоқчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш – муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек махсус тайёргарликни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллатнинг эҳтиёжига айланиб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Руҳоният учун қайғурмоқчи, ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамоқчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди [3].

НАТИЖАЛАР

Алишер Навоий инсонийлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида – жамиятда ҳар бир киши фойдали касб билан шуғулланиши, халққа кўпроқ манфаати тегишида, деб билади. Инсон халқ ғами билан яшаши ва иложи борича одамларнинг оғирини енгил қилиши, турмуши фаровон бўлишига кўмаклашуви лозим, деб ҳисоблайди. Навоий инсонни камолот сари интилишга чорлайди, умр абадий эмаслигига бот-бот ишора қилади ва шу боис ҳеч бир инсон ўз ҳаётида пушаймон бўлмаслик учун эзгу ишларни амалга ошириши лозимлигини уқтиради. Навоий асарлари бутунжаҳон мулкидир.

ХУЛОСА

Навоий ижодида ҳаётга муҳаббат инсоннинг миллатидан, ирқидан ва диний мансублигидан қатъи назар, унинг қадр-қимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу ғоялар билан суғорилган. Айниқса, ҳозирги кунимизда турли минтақаларда рўй бериб турган миллат ва элатлараро жанжалу можароларни олдиндан кўра билган буюк Навоийнинг безавол ўгитлари инсоният тарихининг барча даврлари учун ҳамоҳангдир. Навоий инсонийлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик ғояларини юксак маҳорат билан тараннум этган улуғ ижодкордир. Шу жиҳатдан у жаҳон адабиётининг ёрқин сиймолари — Ҳомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Саъдий қаторидан муносиб ўрин олган. Навоий асарлари бутунжаҳон мулкидир.

REFERENCES

1. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Т.: Akademnashr, 2013. Б. 11-13.
2. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. Б. 69.
3. Ҳаққул И. Навоийни англаш. – Т.: Фан, 2007. Б. 4.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00244

4. Холиқова, Н. (2020). ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАДРИЖИ (ШИРИН ОБРАЗИ МИСОЛИДА). *Academic research in educational sciences*, (3).
5. Kholikova, N. D. (2020). The genesis and poetic evolution of character Shirin. *Alisher Navoi and the XXI centure*.
6. Kholikova, N. D. (2020). The period of national awakening in uzbek poetry echo of the treasure voice of the nation. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, *24*(06), 4045-4054.
7. Kholikova, N. (2020). POETIC Features of Uzbek poetry of the national awakening period. *Theoretical & Applied Science*, (4), 615-623.
8. Sobitova, T. (2020). Alisher Navoiyning “Lison ut-Tayr” dostonida Tazod san'ati. *Academic Research in Educational Sciences, 1* (3), 495-503.